



O'zbekiston Milliy axborot agentligi
O'zA Ilm-fan bo'limi

Elektron jurnal
2023-yil aprel soni №04 (42)

Toshkent-2023

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ – ЎЗА ИЛМ-ФАН БЎЛИМИ (ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛ)

Илмий нашр
2023 йил апрель ойи сони №04 (42)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ОАК Раёсатининг 2019 йил 28 мартдаги 263/7.1 ва 263/7.4-сон қарорига биноан ташкил этилган.

Электрон журналга келган мақолаларга жавоб қайтарилмайди, журналда эълон қилинган мақолалардан олинган парчалар ЎЗА Илм-фан бўлими (электрон журнал)дан олинди, деб кўрсатилиши шарт.

Электрон журналга бир ярим ораликдаги материаллар “Microsoft Word” редактори, “Times New Roman” шрифтида электрон версия шаклида қабул қилинади.

Тахрир кенгаши

А.Кўчимов
А.Асқаров
Д.Ю.Юсупова
А.Х.Саидов
Т.Ў.Арипова
Қ.Р.Аллаев
С.М.Туробжонов
Ш.Т.Қудратхўжа
Н.А.Ҳусанов
Н.К.Ачилов

Қ.Ш.Омонов
А.С.Сагдуллаев
С.С.Фуломов
Ф.Г.Назиров
Р.Д.Курбанов
М.Ҳ.Рустамбоев
Н.М.Маҳмудов
И.С.Саифназаров
Н.Х.Обломуродов
Г.А.Мардонова

ЎЗБЕК АДАБИЙ ТИЛИДА СЎЗ ВА ҚЎШИМЧА МАЪНОДОШЛИГИ Фируз Сулаймонович САФАРОВ

доцент
филология фанлари номзоди
Бухоро давлат университети
Бухоро, Ўзбекистон
f.s.safarov@buxdu.uz

Аннотация

Мақолада ўзбек адабий тилидаги сўз ва қўшимча маънодошлиги таҳлил қилинган. Узвли ва контекстуал метод асосида ўзбек адабий тилидаги шахс, эгалик, шарт, тўсиқсизлик, таъкид маъносини билдирувчи сўз ва қўшимчалар маънодошлиги таҳлил қилинган. Таҳлил асосида маънодош воситаларнинг денотатив хусусияти ўхшаш бўлиб коннотатив хусусияти фарқ қилиши очиб берилган.

Таянч сўзлар: сўз ва қўшимча маънодошлиги, тежамкорлик, таъкид, коннотация, шахс маъноси, эгалик маъноси, шарт маъноси, тўсиқсизлик маъноси.

СИНОНИМИЯ МЕЖДУ АФФИКСАМИ И СЛОВАМИ В УЗБЕКСКОМ ЛИТЕРАТУРНОМ ЯЗЫКЕ

Фируз Сулаймонович САФАРОВ

доцент
кандидат филологических наук
Бухарский государственный университет
Бухара, Узбекистан
f.s.safarov@buxdu.uz

Аннотация

В статье анализируется синонимия слов и аффиксов в узбекском литературном языке. На основе контекстуального и компонентного метода анализируется синонимия между словами и аффиксами, выражающих значения лица, принадлежности, условия, уступительности, подчеркивания. На основе анализа выявлено, что денотативные признаки синонимических средств схожи, но коннотативные признаки различны.

Ключевые слова: синонимия между словами и аффиксами, экономия, подчеркивание, коннотация, значение лица, значение принадлежности, значение условия, значение уступительности.

Ўзбек тилшунослигида маънодошлик асосан тилнинг айни бир сатҳи, бўлими (лексика, морфология, синтаксис)га мансуб бирликлари орасидаги муносабат сифатида ўрганилган. Тилнинг мазмун-моҳиятига кўра рухий-ижтимоий ҳодиса, тузилиш жиҳатдан бутунлик, тизим деб қараш ҳамда матний (контекстуал) ва узвли таҳлилдан фойдаланиш

фақат сўз билан сўз эмас, сўз билан қўшимча ҳам маънодош бўлишини кўрсатади [3;47]. Ўзбек адабий тилида сўз ва қўшимчанинг маънодош бўлиши Ғ.Н.Зикриллаевнинг ишларида очиб берилган [1-2]. Олим “20-аср анъанавий ўзбек тил-шунослигида тил ҳодисаларининг хусусияти кўп ҳолда ўзбек тилининг ўзига хос қурилишига эмас, рус тили қолип ва андоза-ларига таяниб белгиланди. Оқибатда рус тилшунослигидаги каби сўз билан сўзнинг, қўшимча билан қўшимчанинг маънодошлиги ўрганилди-ю сўз билан қўшимчанинг маънодош бўлиши эътибордан четда қолди” [2;231].

Ғ.Зикриллаев “Кўпчилик қўшимча асли сўз бўлганидан улар орасида маънодошлик мавжуд. Шунга кўра айрим сўздан англашила-ди-ган маъно қўшимча билан ҳам ифодаланади. Шахс, сон ва ҳурмат маъноси бунга мисол бўлади, уларни -м, -ман, -(а)й ва мен; -нг, -сан ва сен; -к, -миз, - (а)йлик ва биз; -сиз, -(и)нгиз ва сиз англатади. Таъкид назарда тутилмаса гапда олмош қўлланмайди, фақат қўшимча ишлатилади: Келдим. Олдинг. Борасиз. Демак бундай ҳолда сўз тежаллади. Унинг маъносини ҳам қўшимча англатади. Шунга кўра эга тушиб қолди дейиш тўғри бўлмайди. Рус тилида бундай гапларда олмош қўлланади: Я пришёл. Ты взял. Вы пойдёте. Отда эгалик (хослик) шахс ва сон маъноларининг ифодаланишида ҳам (таъкид назарда тутилмаса) сўз тежаллади: китобим (менинг китобим дейилмайди), китобинг (сенинг китобинг дейилмайди), китобингиз (сизнинг китобингиз дейилмайди). Рус тилида эгалик маъносини ифодалайдиган қўшимча бўлмаганидан сўз (олмош)-нинг қўлланиши шарт: моя книга, твоя книга, ваша книга. Фақат олмош эмас, бошқа сўзлар билан ҳам қўшимча ўртасида маънодошлик мавжуд: -моқчи билан истамоқ, хохламоқ, -диган билан керак, лозим; -ку билан ахир; -да билан албатта; -са билан агар; -са ҳам билан гарчи; -гина билан фақат, холос; -га билан учун; -дан билан орқали; -дек, -дай билан гўё, сингари маънодош. Таъкид назарда тутилмаганда фақат қўшимча ишлатилиб сўз тежаллади. Рус тилида мазкур маъноларни ифодаловчи қўшимча йўқ. Шунинг учун сўз тежалмайди. Ана шу фарқ дарслик ва қўлланмаларда қатъий қоида қилиб берилмаганидан фақат оғзаки эмас, ёзма нутқда ҳам сўз тежалмай ноўрин ишлатилмоқда [4;59–60].

Айтилганлардан кўринадики сўз ва қўшимча маънодошлиги ўзбек адабий тили қурилишининг бош хусусияти (тежамкорлик) билан боғлиқ бўлиб муайян маъно қўшимча билан ифодаланса таъкид назарда тутилмаганда унга маънодош сўз тежаллади.

Энди ўзбек адабий тилидаги сўз ва қўшимча маънодошлигини мисоллар асосида таҳлил қиламиз.

Шахс маъносини билдирувчи воситалар маънодошлиги. Шахс маъноси ўзбек тилида 1) феълнинг ўзаги (ол), 2) негизи (ишла) (ўзбек анъанавий ва субстанционал тилшунослигида феълнинг ўзак, негизи буйруқ майлининг ноль шакли деб қаралади), 3) шахс қўшимчалари, 4) тўлиқсиз феъл (эди, экан, эмиш), 5) кишилик олмошлари, 6) ўзлик олмоши (ўзим, ўзинг, ўзи), 7) отнинг ўзак, негизи (бола, ишчи) билан ифода этилади. Инсонни билдирувчи от билан бирга жонли, жонсиз нарсани билдирувчи отлар ҳам III шахс (ўзга) маъносини билдиради: Нодир келди. У хурсанд эди. От кишнади. У эгасини таниди. Узоқдан бир машина кўринди. У кўчани чангитиб келарди. Узвли таҳлил кесимнинг тусланиш воситалари (тусловчи қўшимчалар) ва кишилик олмошининг уч хил маъноси (шахс, сон ва ҳурмат) ўхшаш эканлигини кўрсатади. Бу эса уларнинг тил тизимида ўзаро маънодош (систем, парадигматик синоним) эканлигини кўрсатади. Матний таҳлил асосида мазкур воситаларнинг услубий (коннотатив, прагматик, синтагматик) хусусияти мос келмаслигини кўрсатади. Маънодош воситалардан феълнинг ўзак, негизи, кесим вазифасида келган от, сифат, сон, олмошнинг ўзак, негизи

ва шахс, сон, ҳурмат қўшимчалари морфологик эгани шакллантириб субъект (иш-ҳаракат бажарувчиси, белгининг эгаси)ни кўрсатади. Гапда асосан тежалмайди. Эга вазифасида қўлланадиган кишилиқ, ўзлик олмоши, от, сифат, сон морфологик эгани таъкидлаш ёки ойдинлаш-тиришга хизмат қилганидан тежаб ишла-тилади.

Кишилиқ, ўзлик олмоши, от, сифат, сон, отлашган сўзнинг қўлланиб қўлланмаслиги баённинг ҳиссий-ноҳиссийлиги, аниқроқ қилиб айтганда тусланиш воситаси (кесимни шакллантирувчи восита)нинг валентлиги ва гапнинг нутқий (актуал, коммуникатив) бўлиниши билан узвий боғлиқ. Нутқий мақсад, вазифа ихчам тарзда хабар (фикр, буйруқ, сўроқ) билдиришни тақозо қилса ўзбек тилида гап биргина сўздан иборат бўлади. Бу сўз асосан кесим вазифасини бажаради: – Тур! [Бу қанақа аҳмоқлик?] (С.Аҳмад. “Уфқ”). – Икроммисан? (С.Аҳмад. “Уфқ”). – Кетяпман. (С.Аҳмад. “Уфқ”) – Хўрсинди. (М.М.Дўст. “Галатепага қайтиш”). [– Аҳволинг қалай? – деди Рисолат унинг эскиб, ёғи чиқиб кетган кийимларига таънали қараб.] – Яхши, [– деди Низомжон.] (С.Аҳмад. “Уфқ”). Биринчи, иккинчи мисолда сен, учинчи мисолда мен, тўртинчи мисолда у олмоши, бешинчи мисолда от (аҳволим) тежалган.

Нутқий мақсаду вазифа сўзловчи, тингловчи, ўзгани таъкидлаш ёки ойдинлаш тиришни тақозо қилса кишилиқ, ўзлик олмоши, от ёки отлашган сўз қўлланади. Бундай ҳолда гап камида иккита мустақил сўздан иборат бўлади. I, II шахсда олмош асосан бажарувчини таъкидлаш учун қўлланади: Мен яшаяпман, – деди шоир (М.М.Дўст. “Галатепага қайтиш”). – Сен Тошпўлатсан, – деди Мурод амаки (М.М.Дўст. “Галатепага қайтиш”). – Мен тушаман. (С.Аҳмад. “Уфқ”) – Сен чақирдингми? (М.М.Дўст. “Галатепага қайтиш”). Биринчи, иккинчи мисолда кишилиқ олмоши темани таъкидлашга хизмат қилган бўлса учинчи, тўртинчи мисолда рема вазифасини бажарган. III шахсда от, олмош ёки отлашган сўз қўлланиб асосан тусловчи қўшимча ифодалаган шахс (бажарувчи) ни ойдинлаштиради: Бола чўчиб кўзини очди (С.Аҳмад. “Уфқ”). Жаннат кўзини очди (С.Аҳмад. “Уфқ”). Ҳандалак пишибди-да (С.Аҳмад. “Уфқ”). Биринчи, учинчи мисолда турдош от, иккинчи мисолда атоқли от бажарувчини ойдинлаштириб келган. Биринчи ва иккинчи гапда бажарувчи инсон эканлиги, учинчи гапда жонсиз нарса эканлиги эга вазифасидаги отнинг луғавий мазмунидан англашилади. От тушириб қолдирилса бажарувчи тусловчи қўшимча орқали умумий тарзда ифодаланса-да унинг айнан ким ёки нима эканлиги номаълум бўлиб қолади. Демак тусловчи қўшимчалар III шахс маъносини умумлашган тарзда ифодаласа от бу маънони аниқлаштириб ифодалайди. III шахсни ифодаловчи маънодош воситаларнинг фарқи шунда.

Эгалик маъносини билдирувчи воситалар маънодошлиги. Ўзбек тилида эгалик маъноси ҳам сўз ва қўшимча билан ифодаланади. Яъни, бу маънони қаратқич келишиги шаклидаги олмош, от ва эгалик қўшимчалари ифодалайди. Қаратқич келишигидаги олмош, от ва эгалик қўшимчалари орасида маънодошлиқ мавжуд: менинг шакли билан -(и)м қўшимчаси, бизнинг билан -(и)миз, сенинг билан -(и)нг, сизнинг билан -(и)нгиз, унинг, уларнинг, от + нинг билан -(с)и маънодошдир. Бу воситалардан ҳам бири (олмош) тежаб ишлатилади, иккинчиси (қўшимча) тежалмайди. Қўйидаги мисолларда қаратқични таъкидлаш назарда тутилмаганидан фақат эгалик қўшим-часи ишлатилиб олмош ва от қўлланмаган: – Қўй, неварамга сўйиб бераман. (С.Аҳмад. “Уфқ”). Юртимиз сувга сероб бўлсин. (С.Аҳмад. “Уфқ”). Ҳамма ўртоқларинг ўша ерда. (С.Аҳмад. “Уфқ”). Неварангиз хандалак пишиғини ҳали кўп кўради. (С.Аҳмад. “Уфқ”). Энди чолнинг ўзи сузиб чиқолмайди. Оёғи чангак бўлиб сув тубига тортади. (С.Аҳмад. “Уфқ”). Биринчи мисолда менинг, иккинчи мисолда бизнинг, учинчи мисолда сенинг, тўртинчи мисолда

сизнинг, бешинчи мисолда унинг олмоши ёки от (чолнинг) тежалган.

Нутқий мақсад, вазифа тақозо қилса қаратқич (эгаллик маъноси) сўз билан ҳам ифодаланиб ойдинлашади ёки таъкидланади. Қаратқични таъкидловчи ёки ойдинлаштирувчи сўз сифатида юқорида айтилган эгаллик қўшимчаларига маънодош кишилик олмоши ёки отнинг қаратқич келиши-гидаги шакли қўлланади: – Менинг сизлардан бошқа кимим бор? (М.М.Дўст. “Галатепага қайтиш”). Бизнинг қишлоғимизда ҳам битта жинни бўларди, Ғайбаров ака. (М.М.Дўст. “Галатепага қайтиш”). Сенинг ҳам отанг ўлдими? – деб сўради Мурод амаки. (М.М.Дўст. “Галатепага қайтиш”). Сизнинг саволингизга келсак, ўртоқ Ғайбаров, бунга жавоб бериш унчалик қийин эмас (М.М.Дўст. “Галатепага қайтиш”). Буларнинг барига унинг ўғли, бебош, бетизгин Азизхон сабабчи. (С.Аҳмад. “Уфқ”). Кўлмақларда бақалар тинмай қуриллар, ўрдак жўжалари нола қилгандек аянчли ғақиллар эди (С.Аҳмад. “Уфқ”). Келинлар чолнинг ўтовига нонушта тайёрлаб қўйишган (С.Аҳмад. “Уфқ”). Вазиранинг яшнаган, гуллаган навқирон умри бекор ўтиб борарди (С.Аҳмад. “Уфқ”). 1–5-мисолларда қаратқич шаклидаги кишилик олмошлари эгаллик маъносини таъкидлашга яъни, коннотатив маъно ифодалашга хизмат қилган. 6-8- мисолларда эса турдош ва атоқли от эгаллик қўшимчаси ифодалаган қаратқични ойдинлаштириб келган.

Шарт маъносини ифодаловчи воситалар маънодошлиги. Ўзбек адабий тилида шарт маъноси -са қўшимчаси ва агар, агарда, борди-ю, башарти ёрдамчи сўзлари орқали ифодаланади. Бу қўшимча ва ёрдамчи сўзлар маънодош бўлиб шарт маъносини таъкидлаш зарур бўлмаганда -са нинг ўзи қўлланиб ёрдамчи сўз тежалади. Бу маънони таъкидлаш тақозо этилса қўшимча билан бирга ёрдамчи сўз ҳам қўлланади. Қуйидаги мисолларда таъкид назарда тутилмаганидан шарт маъноси фақат -са билан ифодаланган: Бу нокас Наим вақтида хабар берса, балки аламига икки-учтасини отиб олармидик (М.М.Дўст. “Галатепага қайтиш”). Пулини берсанг оларнинг, укам, – деди узумфуруш писанда қилиб (М.М.Дўст. “Галатепага қайтиш”). Мана бу мисолларда эса таъкид назарда тутилганидан қўшимча билан бирга ёрдамчи сўз ҳам қўлланган: Агар мен индамай кетаверсам, сиз унда ҳақ бўлиб чиқасиз. (М.М.Дўст. “Галатепага қайтиш”). Агар одамлар бир-бири учун меҳнат қилса, ер юзининг ўзи жаннат бўлади (А.Қаҳҳор. “Мирзо”).

Шарт маъносини таъкидлаш зарур бўлмаганда агар, агарда, борди-ю, башарти сўзларидан бири қўллansa тежамкорликка хилоф иш тутилиб ёрдамчи сўз ортиқча, ноўрин қўлланган бўлади. Бу ҳолда эстетик омилга путур етиб нутқнинг кўрки заифлашади. Ҳозирги кунда шу қоидага риоя қилинмай илмий, расмий, публицистик, бадиий услубдаги матнларда шарт маъносини билдирувчи ёрдамчи сўзлар ортиқча, ноўрин қўлланыпти. Далил сифатида бир нечта мисол келтирамиз. 7-синфлар учун 2017 йил чоп этилган “Геометрия” дарслигининг 36 бетида “Агар бурчаклар ўзаро тенг бўлса, уларнинг ҳар иккиси ҳам тўғри бурчак бўлади” дейилган. Бу қўшма гапда шарт маъносини таъкидлаш назарда тутилмаган шунинг учун агар юкламаси ортиқча қўлланган деймиз. Ўрта мактаб “Геометрия” дарсликларидagi шундай (шарт эргаш гапли қўшма гап) қолипли барча қоидада агар юкламаси қўлланган. Бунинг сабаби шуки бу дарсликлар рус тилидан таржима қилинган. Рус тилида шарт маъносини билдирувчи қўшимча йўқ шунинг учун бу маънони ифодалаш учун ёрдамчи сўз (если) қўлланиши шарт. Энди расмий услубга мурожаат қилсак. Қуйидаги Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси, I бўлим, 1-боб, 2-моддасида агар ёрдамчи сўзи ортиқча қўлланган. Бундан ташқари шарт эргаш гапнинг тартиби ҳам нотўғри: Божхона тўғрисидаги қонунчилик, агар ҳужжатларнинг ўзида кечроқ муддат кўрсатилмаган бўлса, расмий эълон қилинган кундан эътиборан

кучга киради. Бу жумлани куйидагича ифодаласа бўлади: Хужжатларнинг ўзида кечроқ муддат кўрсатилмаган бўлса божхона тўғрисидаги қонунчилик расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради. -са кўшимчаси боғловчи вазифасини ҳам бажаради шунинг учун вергулни ҳам тежаш лозим. “Оила ва табиат” газетасининг 2022 йил 3 ноябрь сони эълон қилинган публицистик услубдаги матндан мисол келтирамиз: Агар ниҳол бақувват бўлса, ўзини тутиб кетиш эҳтимоли кўпроқ бўлади.

Тўсиқсизлик маъносини ифодаловчи воситалар маънодошлиги. Ўзбек тилида тўсиқсизлик маъноси -са ҳам, -са -да шакли ҳамда гарчи, гарчанд боғловчилари билан ифодала-нади. Мазкур грамматик кўрсаткичлар ва гарчи, гарчанд боғламалари орасида ҳам маъно-дошлик мавжуд. Тўсиқсизлик маъносини таъкидлаш зарур бўлмаса морфологик восита қўлланади: Отанг мироб бўлса ҳам, ариқни тозалаб сув ич. Мақол. Ёмгир боягидан анча тезлашган бўлса-да, осмон ёриша бошлаган эди (С.Кароматов. “Олтин қум”). Нутқий мақсад, вазифа мазкур маънони таъкидлашни тақозо қилса гарчи, гарчанд боғловчилари ҳам қўлланади: Гарчи Тўлқинжон чиройли бўлса ҳам, қизни ўзига тортмасди (Ф.Мусаёнов. “Ҳури”). Гарчанд ҳозир кеч куз, аёз бўлса ҳам, Оллоқулибой ҳамон терлар, семиз гавдасини кўтаролмасди (Ж.Шарипов. “Хоразм”).

Таъкид маъносини ифодаловчи воситалар маънодошлиги. Ўзбек тилида таъкид маъноси ахир ва -ку юкламалари орқали ифодаланади. -ку юкламаси кўшимча бўлганидан кўп қўлланади, таъкид даражаси юқори бўлмаганда ишлатилади: Кел, қизим, меҳмонларинг сени анча кутиб қолишди-ку. (С.Зуннунова. “Олов”). Таъкид маъносини кучайтириб ифодалаш зарур бўлса у билан бирга ахир сўзи ҳам қўлланади: Ахир бу ерга салтанат душманлари, бадтарин кимсалар, ғоятда хавfli шахслар ташланар эди-ку! (Мирмуҳсин. “Меъмор”).

Таъкид маъносини ифодалашда албатта модал сўзи ва -да юкламаси ҳам маънодошлик ҳосил қилади. Таъкид даражаси юқори бўлмаганда юклама қўлланади: – Чучварадан кейин чой жуда яхши кетади-да, – деди Боқижон Бақоев, юзидаги терни артиб (А.Қаҳҳор. “Адабиёт муаллими”). Таъкид маъносини кучайтириб ифодалаш зарур бўлса юклама билан бирга албатта сўзи ҳам қўлланади: Бунақа шарт эллиқбошига албатта хуш ёқади-да! (А.Қаҳҳор. “Қўшчинор чироқлари”).

Хулоса қилиб айтганда ўзбек адабий тилида шахс, шарт, эгалик, тўсиқсизлик, таъкид, ўхшатиш ва бошқа маънолар ҳам кўшимча, ҳам сўз билан ифодаланади. Бундай сўз ва кўшимчалар орасида маънодошлик мавжуд. Маънодош воситаларнинг денотатив хусусияти ўхшаш бўлиб коннотатив хусусияти фарқ қилади. Мазкур маъноларни таъкидлаш назарда тутилмаса кўшимчанинг ўзи қўлланади, бунда кўшимчага маънодош сўз тежаллади. Нутқий мақсаду вазифа тақозо қилса гап, матнда кўшимча билан бирга сўз ҳам қўлланиб маъно кучайтирилади, яъни, коннотация ифодаланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Зикриллаев Ғ. Истиқлол ва адабий тил. – Тошкент: Фан, 2004.
2. Зикриллаев Ғ. Руҳ ва тил. – Тошкент: Фан, 2018.
3. Иноятов А., Зикриллаев Ғ. Қуръони карим оятлари мазмун-маъносининг ўзбекча изоҳли таржимаси. – Тошкент: Nilol-Nashr, 2022.
4. Истиқлол ва она тили таълими (тўплам). – Тошкент: Фан, 2000.

МУНДАРИЖА

Иқтисод

Р.В.АБДУЛЛАЕВ. Ўзбекистон – ислом тараққиёт банки: тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик	3
Ж.Х.КАМБАРОВ. Саноат корхоналарида рискни баҳолаш методикалари таҳлили.....	8
А.МАМАЖОНОВ. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартини ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва фойдаланиш имкониятлари	18
А.С.ХОЖАЕВ. Олий таълим муассасаларида бюджетдан ташқари даромадларини ҳисобга олишнинг ўзига хос жиҳатлари.....	23
Ғ.А.САФАРОВ. Ер қабридан фойдаланувчиларни солиққа тортишни такомиллаштириш.....	30
Н.В.ЮЛДАШЕВА, З.Ф.УМАРОВА. Источники финансирования инвестиционной деятельности со стороны государства	37
Н.В.ЮЛДАШЕВА. Механизм внедрения инициативного бюджетирования в Республике Узбекистан.....	43
У.ЖИЯНОВ. Халқаро туризм ривожланишининг замонавий тенденциялари ва ундаги муаммолар.....	51
Қ.Т.ИБРАГИМОВ. Уй-жой қурилиши бозорида корхоналарнинг рақобатбардошлиги.....	59

Юридик

Р.Х.ХУРСАНОВ. Телекоммуникация шартномаларида жавобгарлик.....	66
Э.Т.МУСАЕВ. Аренда профессиональных спортсменов: проблемы правового регулирования	72

Филология

М.ТУРДИБЕКОВ. Шимолий Тожикистон худуди билан боғлиқ айрим топонимларнинг илмий манбалардаги талқини.....	77
Э.ЖАББОРОВ. Тарихий-бадий космонимлар хусусида айрим мулоҳазалар	85
А.ЭШНИЯЗОВА. Ўзбек адабиётшунослигида қисса жанрининг тарихий асослари	89
Ф.С.САФАРОВ. Ўзбек адабий тилида сўз ва қўшимча маънодошлиги.....	95
Г.ТОҒАЕВА. Тасаввуфга оид адабий-фалсафий қарашларнинг матбуотда акс эттирилиши.....	100
Д.Ж.ХАЛИЛОВА. Жаҳон ва ўзбек адабиётида криминал мотив талқини	106
А.Х.АБДУЛЛАЕВ. Тиббиёт терминологиясида эпонимларнинг ўрни	114
А.АМИНИ. Эски туркий адабий тилида яратилган лексикографик манбаларда деҳқончиликка оид атамаларнинг берилиши.....	120

Ҳ.Н.СУВАНОВ. Бадиий адабиётни таржима қилишда миллий колоритнинг аҳамияти.....	125
Ю.Ж.ДАВИДОВ. Кўп маъноли сўзларда семантик хосланиш	130
Б.С.ТОШБОЕВ. Форс-тожик тарихий манбаларида эроний тилларга мансуб иқтисодий ва саноат терминлари этимологияси	135
Г.М.ЭГАМҚУЛОВА. Бекмурот жирова ҳақида баъзи маълумотлар	140
А.А.НОРМАТОВ. Замонавий француз тилида сифат интенсивлиги даражасини ифодалаш муаммолари	145
А.Ф.ИСМАТОВ. Инглиз халқ эртақ қаҳрамонлари номларининг лингвомаданий характери	150
Ш.ЭШБОЕВА. «Девони луғотит турк»даги давомли ҳолат феъллари	155

Фалсафа

А.А.БОЛТАЕВ. Буюк сўфий Муҳйиддин Ибн Арабий илмий фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари	161
---	-----

Тарих

Ш.Т.БАХРАНОВ. Роль Оренбургской и Западно-Сибирской таможенной линии в Русско-Среднеазиатской торговле (вторая половина XIX в.)	167
--	-----

Техника

Ф.М.МАМАТОВ, Л.Қ.БАБАЖАНОВ, Ш.Б.ҚУРБАНОВ. Кўпбурчакли палахсанинг ўз эгати чегарасида ағдарилиш жараёнини асослаш.....	173
Ш.А.АНАРОВА, А.А.РУСТАМОВ, М.Э.БАҲРАМОВ. Мандельброт-Ричардсон ўлчови асосида ўпка қон томир тизимларининг фрактал	181
ўлчовини аниқлаш	
Ш.И.ФАЙЗИЕВ, С.С.БАБАЕВ, С.С.БАБАЕВ. Катта ҳажмдаги маълумотларни таҳлил қилиш усуллари	187
А.З.КИЯМОВ, О.Т.ХОЛОВ. Инновационный метод подсчёта штучной продукции	191
Ҳ.Д.ЖЎРАЕВА, У.А.КЕНЖАЕВ, М.С.ИСЛОМОВ. Бино ва иншоотлар деформациясини аниқлаш ва уларни геодезик кузатиш	198

Масъул муҳаррир:

Г.А.Мардонова

Таржимон:

З.Т.Бобоева

Корректорлар:

Д.Абдуқодирова

У.Тойчибоева

С.Кисляк

Техник мутахассис ва дизайнер:

А.А.Назаркулов

Илмий мақолаларда келтирилган факт ва рақамлар учун муаллифлар жавобгардир.

Илм-фан ва инновациялар бўлими (71 233 09 21; 99 833 62 71)

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги – ЎЗА Илм-фан бўлими
(электрон журнал) 2023 йил апрель ойи сони №04 (42)

Манзил: Тошкент ш., 100000, Буюк Турон кўчаси 42.